O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ислом КАРИМОВ:

Бу санани нишонлашдан мақсад... тинчликнинг қандай буюк неъмат эканини яна бир бор чуқур англашдан, одамзотни ҳамиша ҳушёр бўлишга, теварак-атрофдаги турли хавф-хатарлару бало-қазолардан огоҳликка даъват этишдан иборат бўлмоғи лозим.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 10-may • Payshanba • 56 (27.701) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ХОТИРА БОҚИЙДИР, ҚАДР — МУҚАДДАС

ЮРТБОШИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН 9 МАЙ МАМЛАКАТИМИЗДА КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

Халқимиз бу санани инсон хотираси ва қадрига эътиборнинг амалий ифодаси сифатида юксак қадрлайди.

Иккинчи жаҳон урушидаги тарихий ғалабани таъминлашда юртдошларимиз кўрсатган жасорат ва хизматларнинг ўрни ҳамда аҳамияти беқиёс. Ватандан минглаб чақирим олисларда кечган беаёв жангларда кўксини душман ўқига қалқон қилган, юрт соғинчи ва қадрдонлар дийдорини дилга тугиб курашларда жон олиб жон берган минглаб ўзбек ўғлонларининг матонати юракларда мангу яшайди. Фронт ортида меҳнат қилган, уруш туфайли ота-онасидан айрилган европалик минглаб етим-есирларга бошпана берган, ўзи ва фарзандларининг ризқу насибасини ўзгалар билан баҳам кўрган меҳри дарё ватандошларимиз фидойиликлари тоабад унутилмайди.





Хотира ва Қадрлаш кунининг бу гал «Ижтимоий ҳимоя йили»да нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширади. Президентимиз Ислом Каримовнинг яқинда эълон қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони кекса авлодга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Муҳими, халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгу шуурида ўтганларни ёд этиш, тирикларни қадрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустаҳкам қарор топмоқда. Тарихдан сабоқ чиқариб, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни такрорламай, миллий ўзликни англаган ҳолда музаффар аждодларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган авлоди эканимизни унутмай яшамоқдамиз. Зеро, бу ёруғ ва дориламон кунлар йўлида қурбон бўлганлар руҳини шод этиш, мўътабар кексаларимиз дуосини олиш, тинч ва осойишта замоннинг қадрига етиш ва шукроналик туйғуларини ҳис этиш бизга катта қувват бағишлайди, руҳимизни поклаб, янгидан-янги бунёдкорликларга чорлайди.

...9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдони янада гавжум бўлди. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрдилар.

Майдон узра сокин мусиқа таралади. Миллий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган маҳобатли айвон устунларидаги нозик нақшлар қуёшнинг заррин нурларида жозибали товланади. Жанггоҳларда жон фидо этган ватандошларимиз номлари «Хотира китоби»нинг зарҳал варақларига мангу муҳрланган. Мотамсаро она қиёфасида ғамгузор, айни пайтда улуғвор умид намоён. Унинг пойидаги гулхан алангаси уруш хотираларини жонлантиргандек бўлади...

Соат 8.45. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Мана шундай улуғ кунда ўзининг инсоний бурчини адо этиб, жангу жадалларда ҳалок бўлганлар, бугунгидек тинч ва осойишта кунларга етиб келолмаганлар хотираси олдида ҳамиша бош эгамиз, — деди Ислом Каримов. — Айни пайтда орамизда яшаётган уруш қатнашчиларини ҳар қанча қадрласак арзийди. Уларнинг дуолари эзгу ишларимизда бизга ҳамиша қанот бағишлайди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқининг иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ҳақида тўхталар экан, қуйидагиларни баён этди:

— Бугун иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 62 йиллик байрами куни, — деди Президентимиз. — Бу ғалаба жаҳон халқлари тарихида, ҳеч шубҳасиз, абадий сақланиб қоладиган улуғ санадир. Фашизм балосини ер юзидан супуриб ташлаш, тинчликпарвар эллар орзиқиб кутган ғалабани таъминлашда бошқа халқлар қатори ўзбек халқи ҳам жуда катта ҳисса қўшган. Иккинчи жаҳон уруши фронтларида 1,5 миллион нафар ватандошимиз жангга кирган. Юртимизда ўша пайтда қарийб тўрт миллион аҳоли истиқомат қилгани инобатга олинса, бу жуда катта рақамни ташкил этиши аён бўлади. Тўрт юз мингдан зиёд ватандошимиз машъум уруш олови ёнган нуқталарда жон берган. Тахминан 130 минг киши бедарак кетган. Булар халқимиз учун жуда катта йўқотиш эди.

Айни кучга тўлган минглаб йигитларнинг қурбон бўлгани, ногиронлик азобини тортганини тасаввур қилишнинг ўзиёқ ҳар қандай инсон қалбини ларзага келтиради, юракларни изтиробга тўлдиради. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бедарак кетганлар кимлар эди? Улар кимнингдир ўғли, отаси, бобоси, суюкли ёри эмас эдими? Юрт тинчлиги йўлида жон фидо қилган бундай инсонларнинг номаълум тақдири бизни доимо ўйга толдиради. Улар ҳақидаги маълумотларни излаб топишимиз, тарихий ҳақиқатни тикламоғимиз зарур. Бу иш олим ва зиёлиларимизнинг шарафли вазифасига айланиши даркор.

Биз фашизм устидан қозонилган ғалабага ҳисса қўшганларни улуғлашимиз, уларнинг номини абадийлаштиришимиз, бирор кишини ҳам эътиборсиз қолдирмаслигимиз шарт. Айнан мана шундай эзгу мақсадларни инобатга олиб, мана, саккиз йилдирки, 9 майни юртимизда Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонлаб келмоқдамиз. Бугун мазкур сана нақадар чуқур маъно ва мазмун касб этиб бораётганини ҳис этиш қийин эмас.

Хотира ва қадр тушунчалари моҳиятан ўзаро боғлиқдир. Зеро, бугунги эркин ва фаровон ҳаётни кўз қорачиғидек асраш билан биргаликда Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойи инсонларни ёдга олиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, сўнмас жасоратини хотирамизда мангу сақлаш, инсоннинг тириклигида қадрига етиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Хотира ва қадрлаш деганда биз орамизда яшаётган инсонларни қадрлаш, асраб-авайлаш, уларнинг ҳаётини, оғирини енгил қилишни назарда тутамиз. Бу икки тушунча, шубҳасиз, инсон ақл-заковатининг бетакрор маънавий неъматлари, тириклигининг азалий мезонларидир.

Инсон ҳаёти абадий эмас, лекин хотира мангу, абадий. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ўтганларини хотирламайдиган халқнинг эртаси ёруғ бўлмайди. Агар миллат ўзининг келажагини порлоқ кўрмоқчи бўлса, унинг хотираси ҳамиша уйғоқ бўлмоғи шарт. Боиси ҳар қандай халқ ва миллат кечаги ҳаётидан, ўзи босиб ўтган оғир ва машаққатли кунлардан, тарих синовларидан зарур хулоса ва сабоқлар чиқармоғи зарур.

Бу санани нишонлашдан мақсад, аввало, ғалабанинг моҳияти ва аҳамиятини, тинчликнинг қандай буюк неъмат эканини яна бир бор чуқур англашдан, одамзотни ҳамиша ҳушёр бўлишга, теварак-атрофдаги турли хавф-хатарлару бало-қазолардан огоҳликка даъват этишдан иборат бўлмоғи лозим. Инсоният тарихида урушнинг бошқа қайтарилмаслигига, бундай даҳшатларни одамзотнинг ҳаётидан бутунлай ўчириб ташлашга даъват этадиган тадбир сифатида қабул қилишимиз даркор, деди Юртбошимиз.

Афсуски, дунёнинг турли нуқталарида ҳамон зулм ва зўравонлик ҳукмрон, уруш оловлари ёнмоқда. Жаҳондаги нотинч вазият ва урушлар дунё аҳлини ташвишлантираётгани сир эмас. Минтақамиз ҳам бундай таҳдидлардан ҳоли эмас.

Шу боис халқимиз биз қандай тарихий шароитда, мураккаб замонда яшаётганимизни яхши англаши, вазиятга тўғри баҳо бера олиши керак. Энг муҳими, огоҳлик ва ҳушёрликни қўлдан бермай, атрофдаги воқеаларга нисбатан бефарқ ва лоқайд бўлмаслик, тинчлик-осойишталик, фаровон ҳаёт бунёдкорлари сифатида яшамоғимиз зарур, деди Президентимиз.

Ватанимизни, миллий қадриятларимизни доимо эъзозлашимиз, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг қадрига етишимиз, уларни янада мустаҳкамлашимиз керак. Халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўзлигини англаб боргани сари уларнинг онгида «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, кимлар билан фахрланамиз, биз уларга муносиб бўла олаяпмизми?» деган таҳлилий ёндашув чуқурлашиши, амалда намоён бўлмоғи лозим.

Эртанги кун, ҳеч шубҳасиз, интеллектуал бойликка эга бўлган миллатники, ёшларники, деб таъкидлади Юртбошимиз. Ёш авлодни миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш билан бир қаторда уларга замонавий билимларни эгаллашида таянч бўлмоғимиз лозим. Давр бизнинг олдимизга қўяётган талабларни билмоқ учун албатта замонавий билим зарур.

Давлатимиз томонидан уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларга, урушда ҳалок бўлганларнинг оилаларига пенсия ва нафақалардан ташқари ҳар йили турли кўринишда ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда. Уларнинг санаторий ва курортларда даволаниш, протез-ортопедия жиҳозлари, ногиронлар аравачалари ва бошқа тегишли воситалар билан таъминланишига, жамоат транспортида бепул юриш ҳамда коммунал хизматлар бўйича компенсациялар олишига катта эътибор берилаётир.

(Давоми 2-бетда)

БАЙРАМ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Бухоро вилоятининг барча шаҳар ва туманларида Хотира ва Қадрлаш куни кенг нишонланди. Ушбу сана муносабати билан вилоят марказидаги Хотира хиёбонига иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, уларнинг биродарлари, жамоатчилик вакиллари тўпландилар. Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

— Бу кунни мингдан ортиқ иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 45 мингдан зиёд меҳнат фахрийси нишонламоқда, — **дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Юсуф Қурбонов.** — Байрам тадбирларини ўтказиш, фахрийларга совға-саломлар бериш учун жамғармамиз ҳисобидан 72 миллион сўм маблағ ажратилди.

— Бугунги кунда туманимизда 172 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилмоқда, — **дейди уруш қатнашчиси, ЎзХДП аъзоси ғиждувонлик Истам Жавҳаров.** — Кеча туман ҳокимлиги, ХДП туман кенгаши ҳамкорлигида катта байрам тадбири ташкил этилди. Шу баҳона қуролдош дўстларимиз билан яна дийдорлашдик, ёшларга мустақилликнинг қадрига етиш, она-Ватан ҳимоясига мудом шай туриш ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини алоҳида уқтирдик.

Ушбу санага бағишланган тантана Бухоро педагогика коллежида ҳам бўлиб ўтди. Бу ерда 30 нафар уруш қатнашчисига қимматбаҳо совғалар топширилди. Худди шундай тадбир Бухоро автомобиль ва йўллар коллежи ташаббуси билан шаҳардаги Жўбор, Афшор маҳаллаларида ҳам ўтказилди. Бу ерда яшовчи уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, уларга совға-саломлар улашилди. Самбо бўйича жаҳон чемпиони Ботир Турдиев хотирасига бағишлаб ўтказилган турнир эса кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Даврон БАҲРОНОВ

ЯНГИ СПОРТ МАЖМУАСИ

Жиззах давлат педагогика институти ҳузуридаги 350 ўринли академик спорт мактабининг янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Иншоотни «Камол» кўп тармоқли хусусий фирмаси қурувчилари замонавий меъморчилик талаблари асосида бунёд этди.

Спортни ривожлантириш, ёшларнинг ҳар томонлама соғлом камол топиши учун етарли шарт-шароит яратишга Жиззах давлат педгогика институтида ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Институт талабалари орасида халқаро ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда юқори натижаларга эришаётган кўплаб спорт усталари, спорт усталигига номзодлар бор. Айни кунларда «Универсиада — 2007» мусобақаларига қизғин тайёргарлик кўраётган вилоят терма жамоаси асосини ҳам мазкур ўқув юрти талабалари ташкил этади.

Спорт мажмуаси икки катта спорт зали ва 12 махсус синфхонани ўз ичига олади. Бу ерда турли спорт мусобақаларини ўтказиш имконияти мавжуд.

— Юртимизда ёшларнинг баркамол улғайиши учун кўрсатилаётган ғамхўрликдан қувонамиз, — дейди меҳнат фахрийси Тельман Жавлонов. — Мамлакатимизда, вилоятимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, хусусан, янги мактаб, коллеж, лицей бинолари, замонавий спорт иншоотлари эртамиз пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Т. БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири

ДЎСТЛИК ФОРУМИ

Гулистон шаҳридаги ёзги амфитеатрда «Шу азиз Ватан барчамизники!» шиори остида дўстлик форуми бўлиб ўтди.

Сирдарё вилоятида юзга яқин миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшаб, эл-юрт равнақи йўлида баҳамжиҳат меҳнат қилиб келмоқда. Тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида юртимизда халқлар ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ҳақида, турли миллат ва элатларнинг тили, маданияти ва урф-одатлари ривожи учун тенг шарт-шароит яратилгани, ҳавас қилса арзигулик бағрикенглик муҳити қарор топгани хусусида тўхталдилар. Турли тилларда дўстлик, Ватан, муҳаббат мавзуидаги куй-қўшиқлар янгради, мафтункор рақслар ижро этилди.

Форум доирасида ўндан зиёд миллий маданият марказлари томонидан «Биз гиёҳвандликка қаршимиз!» мавзуида расмлар кўргазмаси намойиш этилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА МЕЛИОРАЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ

Жаҳон банки томонидан молиялаштирилаётган «Жанубий Қорақалпоғистонда дренаж ва ирригация инфратузилмасини реконструкция қилиш ва зах ерларни тиклаш» лойиҳаси мамлакатимизда муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳа Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошида тузилган махсус гуруҳ томонидан татбиқ этиляпти. 2004-2010 йилларга мўлжалланган лойиҳанинг умумий қиймати 75 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Лойиҳа мониторинги ва баҳолаш ишларини Нидерландиянинг «Роял Хасконинг» компанияси олиб боради. Лойиҳа суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари ҳосилдорлигини, Қорақалпоғистонда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда Амударё сувининг сифатини янада яхшилашга қаратилган. Лойиҳада Қорақалпоғистон жанубияда дренаж сувлари тизими, суғориш зонаси ривожини модернизациялаш, лойиҳа натижалари мониторинги, баҳоланиши ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирлар режаси, лойиҳа бошқаруви, институционал ривожлантириш ва ўқитиш каби асосий йўналишларда иш олиб борилади.

Ҳозирда дренаж оқими тизимини барпо қилиш учун Жанубий Қорақалпоғистон магистрал дренаж селекторида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу ишларни Хитойнинг «Синюхайдро корпарэйшн» пудратчи ташкилоти амалга оширмоқда. Қурилиш ишлари 2008 йилда якунланади. Жанубий Қорақалпоғистон дренаж сувлари оқими Сирдарёнинг қуриган туби Жанадарёга йўналтирилади. Бунда мазкур ҳудуддаги дренаж коллекторлари Жанубий Қорақалпоғистондаги коллекторга бирлаштирилади.

Коллектор тизимидаги сув чиқариш қурилмасини реконструкция қилиш, алмаштириш ва тозалаш ишларини «Амубухороқурилиш», «Навоийсувқурилиш» ва «Хоразмсувқурилиш» қўшма корхоналари амалга оширади.

«Туркистон-пресс»

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ХОТИРА БОҚИЙДИР, ҚАДР — МУҚАДДАС

(Давоми. Боши 1-бетда)

Доно халқимиз «инсон ғанимат» дейди. Дарҳақиқат, биз учун ота-боболаримиз, фахрийларимизнинг ҳаёти ғанимат. Афсуски, уруш қатнашчиларининг сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бир йил муқаддам жойларда шу қутлуғ санани 22 минг 251 нафар уруш қатнашчиси нишонлаган эди. Бу галги байрамгача уларнинг ўн саккиз мингдан зиёдроғи етиб келди. Қариси бор уйнинг париси бор, дейди халқимиз. Шундай экан, биз қарияларимизни авайлаб-асрашимиз, ўз ҳаётларидан рози бўлиб яшашлари учун қўлдан келганича иззат-икром кўрсатишимиз зарур. Байрамларда қутлаш билан кифояланмасдан уларни шаҳарларга олиб бориш, бунёдкорлик ишлари билан таништириб, истиқлол берган имкониятлардан завқланишига, бугунги замон билан ўтмишни қиёслашларига имкон яратиш зарур.

Бу муқаддас майдон, наинки Хотира ва Қадрлаш куни, балки йил бўйи зиёратчилар билан гавжум бўладиган масканга айланган. Кишилар бу ерга шунчаки томоша ёхуд сайр учун келмайдилар, ўтганларни ёд этадилар. Бу туйғу бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизни, тирикларни қадрлашга даъват этади. Ушбу майдонга келган ҳар бир инсон қалбида шу табаррук юрт барчамизники, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш муқаддас бурчимиздир, деган эзгу туйғу жўш уради.

Шу куни Мотамсаро она ҳайкали пойи анвойи гулларга бурканди. Юрт озодлиги ва равнақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечга қадар узилмади.

✧✧✧

Президент Ислом Каримов шу куни пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонига туташ Молия вазирлиги ғазначилигининг янги биноси билан танишди.

Норали ОЧИЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси

●●●

Абдивоси ҲАЙДАРОВ
олган суратлар

ФУТБОЛ ФАХРИЙЛАРИ ЁШЛАР ҲУЗУРИДА

Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ташаббуси билан Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб футбол фахрийлари билан касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ўртасида учрашув ўтказилди. Унда турли йилларда «Пахтакор» футбол жамоаси шарафини ҳимоя қилган моҳир футболчилар — «Шуҳрат» медали соҳиби, «Чиғатой» Олий спорт мактаби директори маслаҳатчиси Акмал Азизхўжаев, Республика Олимпия захиралари спорт коллежи бош мураббийи Аҳрол Иноятов, Ўзбекистон миллий ва Олимпия терма жамоалари мураббийи Миржалол Қосимов, футбол фахрийси Розиқ Турғунов, Ўзбекистон Футбол фахрийлари кенгаши раиси Наримон Жалолов, спорт шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаев, «Пахтакор» футбол клуби директори, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ижрочи директори Асқар Толибжоновлар иштирок этишди.

Юртимиз «чарм тўп» усталарининг чиройли ўйинлари, футболчиларимизнинг маҳорати доимо кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлиб келган. Учрашув меҳмонлари ўз хотиралари билан ўртоқлашар экан, ўзбек футболи, жумладан, севимли «Пахтакор» жамоасининг шонли анъаналари хусусида алоҳида тўхталишди.Ўз даврида миллионлар меҳрини қозонган, аммо авиаҳалокат туфайли бу оламдан бевақт кўз юмган «Пахтакор-79» футболчилари хотираси яна бир карра ёдга олинди.

Тадбир давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. Учрашув якунида меҳмонларга эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)
Абдивоси ҲАЙДАРОВ
олган сурат.

АЖОЙИБ УСТОЗ ЭДИ...

Инсон ўз умри давомида одамларга яхшилик қилишга, келажак авлодга бирон-бир мерос қолдиришга ҳаракат қилади. Баҳром ака Рихсиев ҳам ана шундай инсонлардан эди. У умр бўйи илм излади, одамларга зиё тарқатди, яхши шогирдлар тарбиялади.

У мамлакатимизда биринчилар қатори ўзбек радиожурналистикаси тарихини илмий жиҳатдан ўрганган олим. Йиллар давомида олиб борган саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ 1973 йилда «Ўзбекистонда радиожурналистиканинг ташкил топиши ва ривожланиши» мавзуидаги номзодлик ишини ҳимоя қилди. Кейинчалик ушбу мавзуда «Тўлқинлар қанотида» деб номланган китобини нашр эттирди. Бугун домланинг шогирдлари ушбу китобни қайта нашр этишга тайёрламоқдалар.

Домла маълум муддатда Ўзбекистон телевидениесида ҳам фаолият кўрсатди. У хатлар, социологик ва илмий тадқиқотлар орқали телекўрсатувларнинг эфир вақтини белгилашга алоҳида эътибор қаратди.

Баҳром Рихсиев узоқ йиллар давомида Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида радиожурналистика сир-асрорларидан сабоқ берди. Унинг ҳар бир дарсини талабалар интиқлик билан кутардилар. Чунки домла камдан-кам ўқитувчига насиб этадиган ажойиб хислатлар эгаси эди. У соҳани чуқур билибгина қолмай, балки бор билими, тажрибасини ёшларга етказиб бериш қобилиятига ҳам эга эди. Масалан, талабаларга «Радиоэшиттиришнинг кучи — адабий талаффуз қилишда, урғуни жойига қўйиб ўқишда, овоз оҳанги орқали таъсир қилишда», деган гапни жуда кўп такрорларди. У ушбу фикрлари орқали ҳар бир бўлажак радиожурналистда худди ана шу хусусиятлар мужассам, соҳа билимдони бўлишини истарди.

Инсон хотираси ҳамиша азиз ва мўътабардир. Баҳром Рихсиевдек устозларнинг улуғлиги шундаки, улар яратган илм-фан мактаблари йиллар ўтса-да сақланиб қолаверади ва амалга оширган хайрли амаллари шогирдлари томонидан давом эттирилаверади.

Рамзиддин АБДУСАТТОРОВ

❖ Ёдномa

АЛИШЕРНИНГ ТАБАССУМИ



Одамзот бу дунёга ўз хоҳиши билан келмайди, ўз хоҳиши билан кетмайди ҳам. Қачон кетмоқ эса тақдири азал. Афсуски шундай. Фақат «бевақт ўлимдан асрасин!» дея илтижо қилинади. Бевақт ўлим эса ота-она учун бедаво дард, энг оғир мусибат... Фарзанд доғида қуйган кишига таскинли бирор сўз топиш ҳам, топганингни айтиш ҳам оғир, жуда оғир... Сабр тилашдан бошқа сўз айтолмайсан. Кўнгилга фақат хотиралар таскин беради. Хотиралар билан яшайсан...

Яқинда ҳамкасб дўстимиз, ҳаётдан бевақт кетган истеъдодли ижодкор Алишер Шоғуломовнинг «Афсоналарга сингиб...» китобига отаси, фахрий матбаачи, журналист Ислом ака ёзган сўзбошини ўқиб, ана шундай туйғулар юракни зирқиратиб ўтди. Отага ўғли ҳақидаги кўпдан-кўп бахтли воқеаларни эслашгина таскин беради. Фарзанди қисқа ҳаёти давомида эсда қоларли, фахрланса арзирли ишларга улгурганини ўйлаб, аллақандай фахр туйғуларини ҳис этади.

Дарҳақиқат, Алишер қисқа умрини ижодга, савобли, хайрли ишларга бағишлади. Ҳамкасблар уни рус тилида қалам тебратувчи иқтидорли журналист сифатида билишарди ва ҳурмат қилишарди. У ёшлар газетасида ишлаб юрган кезларида кўплаб эсда қоларли мақолалар ёзди. Сўнгра Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида ишлади. Қатор фильмларга сценарийлар ёзди. У айниқса, спорт, футбол мавзусига қизиқарди. Москвалик журналист билан ҳамкорликда 1979 йил 11 августда авиация ҳалокати туфайли дунёдан ўтган ўн етти нафар пахтакорчилар хотирасига бағишлаб китоб ёзишга ҳам киришган эди. Афсуски, бу китоб ёзиб бўлинган кунларда Алишернинг ўзи автомобиль ҳалокатидан... Турмуш ўртоғи, дўстлари ва отаси унинг қўлёзмаларини тўплаб, нашрга топширишди. «Афсоналарга сингиб...» китоби шу алпозда дунё юзини кўрди, Алишердан хотира бўлиб қолди.

Ўша пайтда ёшлар газетасида ёнма-ён ишлаганимиз учун тез-тез учрашиб, ҳамсуҳбат бўлардик. Ҳазилкаш одати бор эди, айни пайтда маданиятли эди. Одатда кулимсираб гапирарди, юзида самимий бир табассум бор эди. Биз ҳамкасблар унинг камтарлигидан ўйланиб қолардик. «Ҳар ҳолда отаси кичик ишда эмас. Бунақаларнинг болалари одатда ё эркатой ёки олифта бўлади». У эса ҳаммага баробар эди. Шу боисми, дўстлари кўп эди. Ижодда ҳам кимгадир орқа қилишни хаёлига келтирмасди.

У инсон сифатида ўзидан яхши ном, яхши хотира қолдирди. Орадан шунча йил ўтса-да, унинг китобларига, суратларига тикилиб, суҳбатларини эслаб ҳеч ишонгинг келмайди, йўқлигига. Гўё ҳозир ҳам ёнимизда, сафимизда юргандек. Ана у, самимият билан боқиб турибди, юзида ўша илиқ табассум...

Сафар ОСТОНОВ

ПАРТИЯДОШЛАР ХОТИРАСИ

Абдурашид Мирсалимов, Комилжон Қосимов, Замира Холматова, Мирзаали Жўрабоев, Равшан Иброҳимов... Бу номлар ХДП Фарғона вилоят ташкилотлари ходимлари, минглаб партиядошлар ёдидан ҳеч қачон ўчмайди. Абдурашид ака узоқ йиллар вилоят ХДП кенгашини бошқарди, ўзидан ёркин хотира, кўплаб хайрли ишлар қолдирди. ХДП вилоят кенгаши ташкил бўлгандан то 2005 йилга қадар кенгаш бўлим мудири вазифасида ишлаган Комилжон Қосимов ҳам кўплаб ХДП аъзолари учун устоз бўлиб қолган эди...

Вилоят «Ахборот-ресурс» марказида партиямизнинг тамал тошини қўйган ана шундай аъзолари хотирасига бағишланган шоҳмот бўйича хотира турнири ўтказилди. Турнирнинг очилиш маросимида ХДП вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раҳбарлари, давлат ва жамоат идоралари вакиллари, оламдан ўтган ХДП аъзоларининг қариндошлари, яқинлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Маросимда сўзга чиққан ХДП вилоят кенгаши раиси М.Исоқов, вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси У.Бегматов ва бошқалар ўтганларни хотирлаб, партиянинг бугунги фаолияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Бундай савобли тадбирларни нафақат Хотира ва Қадрлаш кунлари, балки бошқа пайтларда ҳам ташкил қилиш мақсадга мувофиқлигини айтдилар.

— Мен жуда ҳаяжондаман, — деди йиғилишда сўзга чиққан марҳум А.Мирсалимовнинг рафиқаси Саодатхон опа, — турмуш ўртоғимнинг меҳнатлари зое кетмаган экан.

Турнирда ўттиз нафардан ортиқ шоҳмот усталари иштирок этишди. Голиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Турнир қатнашчилари ва меҳмонлар учун байрам дастурхони ёзилди.

Алишер ИБОДИНОВ

❖ 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»

«ИНСОННИ ЭЪЗОЗЛАНГ»

ЎзХДП Ғаллаорол туман кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг бажарилишига бағишланган давра суҳбати ана шундай номланди

«Маданият» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 28-умумтаълим мактабида ўтказилган ушбу тадбирда тумандаги бошланғич партия ташкилотлари раислари, партия фаоллари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари ҳамда жамоатчилик вакиллари, фаоллар ва меҳнат фахрийлари қатнашдилар. Иштирокчилар мавзу юзасидан фикр юритиб, мамлакатимиз Президентининг «Ижтимоий ҳимоя масаласи жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор», деган гапларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Бурхон ТЕМИРОВ, ЎзХДП Ғаллаорол туман кенгаши раиси:

— Ҳар қайси фуқаронинг ҳаёти, турмуши эътиборда, эъзозда бўлган юртда яшаётганимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Мамлакатимизда жорий йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили», деб эълон қилиниши ҳам аслида бизда инсон, унинг манфаатлари, мақсад-интилишлари улуғланаётганига далил, исботдир.

Насиба ТЎЙЧИЕВА, 2-ихтисослашган мактаб-интернатнинг 11-синф ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:

— Мен Ўзбекистон деб аталмиш юртимнинг бахтли қизиман, деб баралла айтишга ҳақлиман. Отам муҳандис, онам ўқитувчи. Бу йил Халқаро хотин-қизлар куни арафасида адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Бунинг учун аввало ота-онамга, устозларимга, юртдошларимга, ҳамқишлоқларимга раҳмат айтаман. Насиб этса, ўн саккиз ёшга тўлгач, мен каби ёшларни ўзи учун суянадиган, таянадиган куч деб ҳисоблаётган Халқ демократик партияси сафига кириш ниятим бор.

Гавҳар МЎМИНОВА, туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўлими мудираси:

— Оила — муқаддас. Мустақиллик йилларида эса унга эътибор янада ошди ва эндиликда юртимизда ҳар бир оила тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури қабул қилингач, бу нарса янаям ўзгача тус олдики, буни янги оилаларга кўрсатилаётган ёрдам, фарзандларни вояга етказиш жараёнларидаги давлатимиз томонидан берилаётган кўмакдан ҳам билса бўлади.

Баҳром ота ХИДИРОВ, меҳнат фахрийси:

— «Ижтимоий ҳимоя» деган тушунчанинг ўзиёқ қалбимизда меҳр-мурувват, оқибат, иймон, ўзаро иззат-ҳурмат деб аталмиш ҳис-туйғуларимизни алангалатади. Биз оқсоқоллар ўзимиздан кейинги авлодга, ёшларга панду насиҳатларимиз, керак бўлса, шахсий ибратимиз билан шундай хислатларни кўпроқ сингдиришга эътибор беришимиз керакка ўхшайди. Бу масалада биз пенсионерларни ҳам ўзининг электорати, деб билган Халқ демократик партиясига якиндан ёрдам беришга тайёрмиз.

Қизларгул ИЛЁСОВА, уй бекаси:

— Тўғриси, яқин-яқинларгача бирон-бир партияга ўтиш ниятим йўқ эди. Разм солиб кўрсам, ХДПнинг Дастури менга маъқул экан. Қолаверса, кам таъминланганлар, хотин-қизлар, уй бекалари, айрим сабабларга кўра, вақтинча ишсиз қолган фуқаролар бу партиянинг электоратидир. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ЎзХДП сафига қабул қилишларини сўраб ариза бердим. Энди мен ҳам партия аъзосиман, ХДП ғояларининг тарғиботчисиман.

Мустафо НАЗАРОВ, партия фаоли:

— Мен кўп йиллар ўқитувчилик қилганман. Ҳозир сизу биз суҳбатлашиб турган кошона ўрнида яқин-яқинларгача пастқам, лойсувоқли, тўкилай-тўкилай деб турган мактаб биноси бўларди. Мустақиллик шарофати билан мана бундай ажойиб, замонавий, муҳташам бино барпо этилди. Бугун фарзандларимиз, невараларимиз кенг, ёруғ, озода, шинам синфхоналарда, барча қулайликларга эга маънавият ва маърифат масканида таълим-тарбия олиш бахтига муяссар бўлишди. Бундай эътибор, ғамхўрликларга жавобан фаол, фидойи, қатъиятли бўлишимиз, партия аъзоси сифатида ҳам ҳамма жойда ўз сўзимизни, ўз фикримизни айтишимиз, дастурий мақсадларимизнинг амалга ошиши йўлида курашишимиз зарур. Афсуски, бу масалада орамизда ҳали-ҳануз бефарқлар, лоқайдлар йўқ эмас.

Мурод НАЗАРОВ, «Маданият» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:

— Ҳудудимизда 24 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг турмуш даражаси йилдан-йилга яхшиланиб, қишлоқ инфратузилмаси барқарорлашмоқда. Энг аввало, кўп болали оилалар, хотин-қизлар, ногиронлар, ишсиз ёшлар, аҳолининг кам таъминланган қатлами, пенсионерлар,ёш авлодни тарбиялаётган ўқитувчилар ва миллат соғлигини муҳофаза қилаётган шифокорлар манфаатларини ишончли тарзда ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиляпти. Тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик билан шуғулланишни хоҳловчиларга кенг имкониятлар яратиб бериш чораларини кўраяпмиз. Умуман, инсонни улуғлаш, уни шарафлаш ҳар кунги фаолиятимизнинг мазмун-моҳиятига айланган, десам хато қилмайман. Бу борада, ўйлайманки, ХДП билан мақсадимиз ҳам, фикру ниятимиз ҳам муштарак. Шунинг учун ҳам бизда ЎзХДП аъзолари, унинг тарафдорлари, хайрихоҳлари кўпаймоқда.

* * *

Шунингдек, давра суҳбатида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг амалдаги ижроси, бу йўналишда қилинаётган ишлар, йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳақида сўз юритилди, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бу ишларда алоҳида намуна кўрсатаётган партия фаоллари, меҳнат фахрийлари, ташаббускор ёшларга эсдалик совғалари, Фахрий ёрлиқлар, ЎзХДП сафига қабул қилинганларга партия билетлари топширилди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

❖ ЎзХДП туман кенгашларида

ЖОНКУЯРЛИК — ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

ЎзХДП Иштихон туман кенгаши фаоллари ана шу шиор асосида ҳаракат қилишмоқда

Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган сурат

Уч мингдан зиёд аъзони жипслаштирган ЎзХДП Иштихон туман кенгаши ўтган йили қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнида партия ғояларини ҳурмат қиладиган, уларни қўллаб-қувватлайдиган 1597 нафар аъзони саралаб олди. Тумандаги 61 маҳалла, 10 та қишлоқ фуқаролар йиғини раисларидан 52 нафари ЎзХДП аъзоси эканини алоҳида таъкидламоқчимиз. Чунки бу, партияга эл орасида обрў-эътиборга эга бўлган оқсоқолларнинг ҳам кўпчилиги хайрихоҳ эканлигини тасдиқлайди. Туман кенгашининг Жамоатчилик қабулхонаси иши ҳам намунали ташкил этилган. Бундай қабулхона Митан шаҳарчаси ҳамда «Ҳақиқат» қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам мунтазам ишлаб турибди.

— Бизга келиб тушган бирорта ҳам мурожаат эътиборсиз қолмайди, — дейди ЎзХДП туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонаси бўйича масъул ходими Лола Бўлакова. — 2007 йилнинг I чорагида тушган 15 та аризадан 13 тасини ҳал этишга кўмаклашдик. Қолганини ечиш юзасидан эса маслаҳат берилиб, йўл-йўриқ кўрсатилди. Натижада икки мурожаатдаги масаланинг ечилишига ҳам бевосита ёрдамимиз тегди. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам одамлар дарди, ташвиши билан яшаяпти, меҳнат қилаяпти. Депутатлик гуруҳига 23-Митан сайлов округидан туман кенгашига депутат, 41-мактаб директори Марҳабо Луқмонова раҳбарлик қилади.

— ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан ўтган йили «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури»га киритилмай қолган, ночор аҳволдаги 19-мактаб биноси дастурга киритилди, — дейди Марҳабо Луқмонова. — Депутатларимиз томонидан бошқа кўплаб хайрли ишлар ҳам амалга оширилмоқда. ЎзХДП Дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, ваколатимиздан фойдаланиб, мавжуд ижтимоий масалаларни ечиш доимий диққат марказимизда. Ўтган йили биргина ўзим раҳбарлик қилаётган мактабда таҳсил олаётган 68 нафар кам таъминланган оила фарзандларига ҳомийлар ёрдамида ўқув қуроллари, кийим-кечаклар совға қилдик. Митан шаҳарчасидаги 10 нафар ёрдамга муҳтож оилага ҳомийлар ёрдамида турли даражадаги моддий кўмак берилди. ЎзХДП аъзоси, «Рухсора» фермер хўжалиги раҳбари Жамшид Қурбонов ташаббусимизни инобатга олиб, учта мактаб кутубхонасини турли адабий-бадиий адабиётлар билан бойитишга ёрдам берди.

Қисқасини айтганда, қилаётган ишларимиз анчагина. Шунинг билан бирга, ҳали амалга оширишимиз зарур бўлган тадбирларимиз ҳам жуда кўп. Булар албатта, ҳар биримиздан фаоллик, жонкуярлик талаб этади.

Ҳа, депутатлар гуруҳининг саъй-ҳаракатлари, ташаббуслари билан Охунбобоев қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги йўллар таъмирланди. Янгикент, Ҳақиқат қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида электр энергияси, табиий газ таъминотида юз берайтган сабабсиз узилишлар мутасаддилар иштирокида муҳокама этилиб, ижобий ҳал этишга эришилаяпти...

ЎзХДП туман кенгаши «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳамкорликда Иштихон тиббиёт, Педагогика касб-ҳунар коллежларида «Ёшлар замон билан ҳамнафас», «Сиз катта ҳаётга тайёрмисиз?» мавзуларида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди.

— ЎзХДП туман кенгаши томонидан олиб борилаётган ишларга жуда қизиқиб қолдим, — дейди «Иўғонтепа» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Клара Султонова. — Маҳалламиздан бир киши нафақа сўраб мурожаат қилган эди. Оилавий шароити ҳақиқатан ҳам ночор. Биз буни яхши билардик. Лекин, афсуски, нафақа тайинлаш тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларга кўра, аризани қаноатлантира олмадик. Шундан сўнг фуқаро ЎзХДП туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилган экан. Партия фаолларининг аралашуви билан тегишли идораларнинг розилигига кўра, унга нафақа тайинланадиган бўлди. Партиянинг бундай хайрли ишлари кўплигидан таъсирланиб, ХДП сафига киришга қарор қилдим.

Иштихон туман партия кенгаши томонидан ишлар ўз вақтида ва самарали ташкил этилгани, куч ва имкониятлардан имкон қадар кенг фойдаланилаётгани боис, одамларда партияга хайрихоҳлик, ишонч ва эътиқод ҳам ортиб бораяпти.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

❖ Аждодларимиз мероси

Президентимиз Ислом Каримов шу йилнинг 17-19 апрель кунлари расмий ташриф билан Миср Араб Республикасида бўлди. Кўҳна тарихнинг гувоҳлик беришича, шарқ мамлакатлари, жумладан Мисрда дунёвий фанларнинг ривожланишида буюк аждодларимизнинг ўз улуши бор. 800-861 йилларда яшаб, ижод этган беназир салоҳиятли олим ва аллома Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний Мисрда бундан салкам 1150 йил олдин Нил дарёсида бунёд этган «Миқёс ан-Нил»нинг шуҳрати етти иқлимга довруғ таратган.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли буюк аждодларимизнинг шон-шуҳрати янада юксалди, дунё миқёсида яна бир карра эътироф этилишига эришилди. Давлатимиз раҳбарининг эҳромлар мамлакатига ташрифи доирасида Қоҳирада ал-Фарғоний ҳайкалининг очилиш маросими ўтказилди. «Миқёс ан-Нил» сув иншооти бунёд этилган Родо (Равзо) оролига Ўзбекистон делегацияси ташриф буюрди.

Юртбошимиз бундан минг йиллар илгари қурилган «Миқёс ан-Нил»нинг буюк кашфиёт эканлигини алоҳида таъкидлаб, унинг нафақат тарихий, балки бугунги кун илм-фанида тутган ўрни ҳақида ҳам тўхталди.

Газетхонларимиз таҳририятга қўнғироқ қилиб, «Миқёс ан-Нил» ҳақида батафсил маълумот беришимизни сўрашди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети География факультетининг Қуруқлик гидрологияси кафедраси мудири, география фанлари доктори, профессор Фазлиддин ҲИКМАТОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.



СУВ ИЛМИ

ЁХУД «МИҚЁС АН-НИЛ»

— Фазлиддин Ҳикматович, аввало, «Миқёс ан-Нил» ҳақида батафсил тўхталсангиз.

— Нил дарёси ўзанидаги Родо (Равзо ҳам дейилади) оролида ўша даврда қурилган ва ҳозирги кунгача сақланиб қолган бу сув ўлчаш қурилмаси турли манбаларда турлича номланади. Айтайлик, шарқ олимлари асарларида «Миқёс ан-Нил», «Миқёси жадид» деб аталса, ғарб (асосан европалик) олимларининг шу соҳага оид тадқиқотларида «Ниломер» деб аталган. Фикримизча, «Миқёс ан-Нил» ёки «Ниломер» дейилиши ҳақиқатга яқин. Чунки у Нил дарёси суви сатҳини ўлчаш мақсадида қурилган, «Миқёси жадид» эса ундан фойдаланишга қулайлик берадиган махсус жадваллар, кўрсатмалар тўплами бўлиши мумкин.

Юртимиз гидрологияси тарихан теран илдизларга эга. Ўлкамизда қадимдан дарёларда сув сатҳини ўлчаш ишлари бажарилган. Тарихий манбаларда Мурғоб дарёсидаги сув сатҳини ўлчаш ишларидан Аҳмад Фарғоний Марв шаҳрида яшаган йилларида яхши хабардор бўлган ҳамда бу усулларни келгусида янада мукаммаллаштирган. Оқибатда минг йилдан буён қўлланилиб келинаётган «Ниломер» яратилган.

Маълумки, «Миқёс ан-Нил» нафақат сув сатҳини ўлчаш иншооти, балки ноёб меъморий ёдгорлик ҳам ҳисобланади.

Нил дунёдаги энг узун дарёдир. Унинг узунлиги 6671 км., сув тўплаш майдони 2870 минг кв. км.га тенг (бу Амударёдан 1,5 баравар кўп дегани). Дарёнинг бош ирмоғи — Кагера дарёси Вирунга тоғлари (ал-Хоразмий уни Ой тоғлари деб атаган)дан бошланади ва Виктория кўлига келиб қуйилади. Дарё ушбу кўлдан оқиб чиқади.

Аҳмад Фарғоний «Миқёс ан-Нил»ни қуриш учун Нил ўзанидаги Равзо оролининг (Қоҳира яқинида) жанубий чеккасини танлаган. Бу жой нафақат ўша давр, ҳатто ҳозирги кун талабларидан келиб чиқиб, таҳлил қилинганда ҳам сув ўлчаш ишларини мукаммал бажаришга ниҳоятда қулайлигига амин бўламиз. Чунки бу нуқта бугунги кунда муҳандис-гидрологлар тайёрлашда ўқитиладиган «Гидрометрия» фанининг сув ўлчаш иншоотларини қуриш бўйича чоп этилган дарсликларда баён қилинадиган шартларга тўлиқ мос тушади. Аввало, Равзо оролида дарё йўналиши тўғри чизиқли кўринишга эга, шу жойда сув юзаси нишаблиги сезиларли даражада ўзгармайди, узунлик бўйича дарё чуқурлиги бир хил, дарёнинг қирғоғи ва ўзани мумкин қадар барқарор, яъни ўпирилиш, кўллаш, лойқа босиш, емирилишлардан холи. Нилнинг шу қисми ирмоқсиз, демак, танланган жойда сув ўлчаш ва кузатиш ишларини аниқ бажариш мумкин.

Аллома «Ниломер»ни қуриш учун дарё ўзани ва оролда узоқ илмий тадқиқотлар олиб борган. Дарёнинг тўлинсув давридаги энг юқори сув сатҳи, қирғоқларидаги ўзгариш ҳамда камсувли даврдаги энг қуйи сув сатҳи ҳолатларини илмий жиҳатдан ўта аниқ ҳисоб-китоб қилган. Шу боис у вақт синовидан муваффақиятли ўтган, қарийб 1150 йилдан бери ишлатилиб келиняпти. Афсуски, ҳозирда Нилга нисбатан бир неча марта кичик бўлган дарёлар, ҳатто сойларда қурилган сув ўлчаш иншоотлари тошқинларга дош беролмай, ишга яроқсиз бўлиб қолмоқда. Дунёнинг ҳеч бир мамлакатида Аҳмад Фарғоний қурган «Миқёс ан-Нил»дек узоқ ишлай олган сув ўлчаш қурилмаси яратилган эмас.

Унинг асосий қисми бўлган қудуқ Нил дарёси билан ерости сув йўллари орқали туташтирилган.

— Гидрология қонуниятига кўра, сув режимининг ўзгариши, сув иншоотлари, тўғонлар дарёнинг лойқа оқизиқларини ўзгартиради, чўкма ҳосил қилади. Бу «Ниломер»га таъсир этмаганми?

— Нил дарёси суви лойқалиги билан ажралиб туради. Аммо бугун уни «Зангори Нил» дейишади. Бунинг сабаби охирги 100 йилда дарёга 10 дан ортиқ йирик тўғонлар қурилди. Жумладан, 1969 йилда қурилган баланд Асвон тўғони 130 миллиард кубметр сувни сиғдиради. Тўғон қурилгунча Нилнинг ҳар 1 м³ сувида ўртача 1,1 кг. лойқа оқизиқлар мавжуд бўлган.

Олим «Ниломер»ни лойиҳалашда ва қуришда сув лойқаланишини ҳисобга олган. Агар аллома бу муаммони ҳал қилмаганида эди, иншоот лойқа оқизиқлар билан тўлиб қолиши, табиий ҳол эди. Масалан, 1 йилда 1 мм. қалинликда чўкма ҳосил бўлса, 1100 йилда 1 метрдан ортиқ чўкма пайдо бўлади. Бу эса иншоот тизимидаги қудуқ ва ер ости сув йўллари чўкмалар билан тўлиб қолишига олиб келган бўларди. Лекин «Миқёс ан-Нил»нинг қурилганига минг йилдан ошдики, у узлуксиз ишлаб турибди.

— Фазлиддин Ҳикматович, ушбу сув иншооти қадимги мисрликларнинг иқтисодий турмуш даражасига ҳам таъсир этганми?

— «Миқёс ан-Нил»дан олинган маълумотга қараб, яъни сув сатҳининг ўзгаришига қараб ерлардан олинадиган ҳосилдорлик олдиндан аниқланган.

Қадимги мисрликларнинг ҳисобига кўра, Нил сув сатҳи 16 тирсаккача кўтарилса, ҳосил мўл, 15 тирсак — яхши, 14 тирсак — ўртача, қурғоқчилик бўлиши аниқланган. «Миқёс ан-Нил»нинг 17-баланд «тирсак»и сув тошқинлари бўлишидан дарак берган. Демак, ҳосилга салбий таъсир қилган ёки «паст тирсак» қурғоқчилик ҳам ҳосилни камайтирган. Ва деҳқонлардан шунга қараб адолатли солиқ олишга асос солинган. Инчунун, мисрликлар «Миқёс ан-Нил»ни «Адолат тарозиси» деб аташган.

— «Миқёс ан-Нил» жаҳон гидрология фани тараққиётига қандай таъсир этган?

— Салкам 1150 йил муқаддам қурилган иншоотнинг сув ўлчаш аниқлиги ҳозирги кунда ҳам дунё олимлари, шу соҳа мутахассисларини ҳайратга солиб келади. Зеро, сув сатҳини Аҳмад Фарғоний таклиф этган сантиметр аниқликда ўлчаш усули ҳозирги кунда ҳам дунё гидрологиясида қўлланилади.

Жаҳон метеорология ташкилоти (ЖМТ)га аъзо бўлган барча давлатларда сув ҳавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари, ҳатто денгизлар ва океанлар)нинг сув сатҳлари ҳам шу аниқликка асосланган. Ҳозирги кунда жаҳон сув ўлчаш амалиётида турли сув ҳавзаларидаги сув сатҳларини ўлчашда фойдаланилаётган турли кўринишда, турли вақтларда яратилган барча махсус ўлчов тахтачаларининг ҳаммаси «Миқёс ан-Нил»даги каби сантиметрли аниқликдаги даражот (бўлак)ларга бўлинган. Аллома кашф этган дарёлардаги сув сатҳини ўлчашда ер ости сувларидан фойдаланиш усули бугунги кунда жаҳон сув ўлчаш амалиётининг асоси ҳисобланади. Масалан, дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналларда сув сатҳини ўзи ўлчаб, ёзиб борадиган энг замонавий «Валдай» ёки океан ва денгизлар сув сатҳини ўлчайдиган «Рорданца» типидаги қурилмалар ҳам айнан «Миқёс ан-Нил»дан андаза олиб тайёрланган, худди шу усулда ишлайди.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

❖ Иқтисодиёт ва ислоҳот

«Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиори остида фаолият юритаётган Халқ банки бугунги кунда тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш, иқтисодиётни барқарор ва юқори суръатларда ривожлантиришда фаол қатнашиб, ўз мижозларига намунали хизмат кўрсатмоқда. Банк томонидан доимий равишда олиб борилаётган изланишлар ҳамда амалга оширилган тадбирлар натижасида 2007 йилнинг ўтган даври давомида ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, банк капитали 107 фоизга, активлар эса 127 фоизга ортди. Нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш борасида кўрилаётган чоралар натижасида филиаллар кассаларига 240 млрд. сўмга яқин миқдорда нақд пул жалб қилинди.

МИЖОЗ ИШОНЧИ ВА МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда республикамиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган турли шаклдаги банклар ўртасида бораётган соғлом рақобат муҳити ушбу жамоани тинмай изланишга, хизмат турлари ва омонатларнинг янги жозибадор турларини жорий қилиш устида иш олиб боришга ундамоқда.

Ҳозирда республикамизнинг ҳар бир ҳудудида, ҳаттоки олис қишлоқ жойларида ҳам ўз муассасаларига эга бўлган Халқ банкининг 200 га яқин туман (шаҳар) филиали, 220 дан ортиқ минибанк, 3000 га яқин шохобча ва махсус кассалари орқали ўз мижозларига намунали хизмат кўрсатиш ташкил этилганлиги, жойларда мижознинг биринчи талаби бўйича омонатдаги маблағлари нақд пул билан таъминланаётганлиги, бошқа тижорат банкларидан фарқли ўлароқ омонатларнинг Халқ банкида давлат томонидан кафолатланганлиги, энг асосийси, банк муассасаларининг дам олиш кунлари ҳам мижозларга хизмат кўрсатиши аҳолининг банкка бўлган ишончини орттириб бормоқда.

Натижада, 2007 йилнинг 1-чораги давомида аҳоли омонатлари қолдиғи йил бошига нисбатан 111 фоизга ортиб, қарийб 71 млрд. сўмни ташкил этди. Банк жамоаси депозит бозорида ҳам мижозлар манфаатини кўзлаган ҳолда омонатларнинг янги-янги турларини жорий қилиш устида иш олиб бормоқда. Айниқса, банк томонидан амалиётга татбиқ этилган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган «Матонат», халқимизнинг ҳақиқий фидойиларини ҳайрия тадбирларида фаол иштирок этишга имкон берувчи «Маҳалла фидойилари», «Ижтимоий ҳимоя йили»да келажагимиз бўлган ёшларни ҳимоялашга қаратилган «Ёш оила» омонат турлари аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу жумладан, аҳолига оила бюджети даромадини ошириш имконини берувчи юқори фоизли «Шодиёна», «Даромад плюс» ҳамда деҳқон-фермер хўжаликлари аъзоларининг ойлик маошлари омонатга жалб қилиниб, уларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган «Фаровон ҳаёт» каби янги омонат турлари жорий этилди. Шунингдек, банк маҳаллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда алоҳида олинган ҳудудлар учун мўлжалланган Тошкент шаҳар аҳлоиси учун «Пойтахт», Тошкент вилояти аҳолиси учун «Ташаккур» ҳамда Фарғона вилояти аҳолиси учун «Олтин водий» омонат турларини таклиф этмоқда.

Банк томонидан депозит бозорида аҳолига яратилаётган имконият ва қулайликлар ҳамда мижозлар манфаати ва ишончи йўлида аҳолининг айрим ижтимоий қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган омонат турларининг жорий қилиниши, шунингдек, ютуқли омонатларни жорий этиб, ўз мижозларига 1 000 000 сўмгача бўлган ютуқ соҳиблари бўлишга имконият яратилмоқда. Бунинг маҳсули сифатида жорий йил бошидан буён банк омонатчилари сони 182 мингтага кўпайди.

Доимо оилаларга беминнат хизмат кўрсатиб келаётган Халқ банки келгусида ҳам одамларнинг банкка бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, уларнинг манфаатини ҳимоялашга қаратилган саъй-ҳаракатларни давом эттириб, мижозлар сонининг янада ортишига замин яратади.

Халқ банки
Матбуот хизмати

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

2007 йилда Наманган вилоятида жорий таъмирланадиган қуйидаги умумтаълим мактабига пудратчи ташкилотни танлаш бўйича қайтадан очиқ танлов савдосини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Лот №	Мактаб манзили, рақами	Объектнинг ҳисобланган бошлангич нархи ҚҚС билан (сўм)
1	1/3	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Шаҳанд қишлоғидаги 760 уринли 48-сонли махсус мактаб-интернат	38 413 520

Қурилишни якунлаш муддати — 2007 йил 1 август.

Буюртмачи: Наманган шаҳри, Дўстлик шоҳкўчасида жойлашган Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси,
Телефон: (8-369) 232-49-52, 232-87-22.

Қурилиш ишлари маҳаллий ҳокимлик томонидан ажратилган маблағ ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматларни)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлирга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига, қуйидаги манзилга: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача мурожаат қилишлари мумкин. Телефон/Факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлар тўпламининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, 3-кичик ноҳия, Дўстлик шоҳкўчаси, вилоят халқ таълими биноси.

XORIJDA

40 МИНГ ТАКСИ ҲАЙДОВЧИСИ

НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИДА ҚАТНАШМОҚДА

Италияда 40 минг такси ҳайдовчиси умуммиллий норозилик намойишларини ўтказмоқдалар. Натижада Рим, Милан ва бошқа кўпгина шаҳарларнинг кўчаларида такси автомобилларининг «тиқини» пайдо бўлди.

Норозилик намойишини ўтказиш қўмитаси раҳбарларидан бири Мауирицио Лонгонинг айтишича, улар мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш тўғрисида қабул қилинган қонунга қарши норозилик билдирмоқдалар. Ушбу қонунга кўра, мамлакатда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун лицензия олиш ўта соддалаштирилган. Бу эса таксичиларга ёқмаяпти. Негаки, янги қонун ҳатто таксичилар орасида ҳам рақобатни янада кучайтиради.

ПРЕЗИДЕНТ ВА ПАРЛАМЕНТ КЎПЧИЛИГИ

ҲАНУЗ КЕЛИШОЛМАЯПТИ

Украинада ички сиёсий инқироз давом этмоқда. Президент Виктор Ющченко ва унинг тарафдорлари навбатдан ташқари парламент сайловларини ўтказиш учун энг қулай вақт июннинг охири июлнинг бошлари, деган фикрни илгари сураётган бўлсалар, бош вазир Виктор Янукович тарафдорлари эса сайловга тайёргарлик жараёнларини бу муддатда якунлаб бўлмайди, шунинг учун октябрь ёки ноябрь ойлари энг мақбул муддатдир, деган фикрда қолмоқдалар. Негаки, сайловда иштирок этувчиларнинг барчасини рўйхатга олгунча 2 — 3 ой ўтиб кетади. Бу ишни эса чала қолдириб бўлмайди, дейишмоқда. Хусусан, парламент кўпчилигининг мувофиқлаштирувчиси, «Регионлар партияси» фракциясининг етакчиси Раиса Богатирева куни кеча бу ҳақда баёнот берди. Унинг айтишича, сайловчи сайлов участкасига келгач, албатта, ўзининг исм-фамилиясини рўйхатдан топа олиши шарт. Бунинг учун эса мукаммал рўйхат тузилиши лозим, агар шошма-шошарлик қилинса, албатта минглаб сайловчилар рўйхатга кирмай қолиши мумкин.

Президент Ющченко фикрича эса «сайловнинг кечиктирилиши саботаждан ўзга нарса эмас». «Конституцияга ўзгартишлар киритиш борасида юзага келган вазият шуни тақозо этмоқдаки, тезкорлик билан умумхалқ референдумини ўтказиш лозим. Мен буни талаб қиламан» деди президент сўзини давом эттириб.

Бу ҳақда ИТАР-ТАСС ахборот тарқатди.



СПИКЕРНИНГ ТАКЛИФИ

ЖАВОБСИЗ ҚОЛМАДИ

Маълумки, март ойи охирларида Россиянинг Федерация Кенгаши спикери Сергей Миронов Федерациянинг ҳудудий раҳбарларига норасмий хат жўнатиб, амалдаги президент Владимир Путиннинг ваколат муддатини 5 йил ёки 7 йилга узайтириш таклифини ўртага ташлаган ва бу таклифга муносабат билдиришларини сўраган эди. Ушбу таклифга шу кунгача 30 та ҳудуд раҳбаридан жавоб олинди. Куни кеча ўтказилган матбуот анжуманида Сергей Миронов бу ҳақда маълум қилди. Унинг айтишича, ҳудудий субъектлар ўтказган мажлисларда кўпчилик бу таклифни қўллаб-қувватлаган. Бироқ, таклифга қарши чиққанлар ҳам бор.

Дарвоқе, норасмий хатда президентнинг учинчи муддатга сайланиши ҳақида ҳам таклиф илгари сурилган.

Мироновнинг гапларига қараганда, — дейилади «Интерфакс» ахборот агентлиги тарқатган хабарда, — шу йил сентябргача барча субъектлардан жавоблар олинади ва унинг таҳлилларига қараб хулоса ясалади.

Яна бир гап. Россияликларнинг учдан бир қисми, яъни 35 фоизи Владимир Путиннинг умрбод президентлик курсисида қолишини қўллаб-қувватлаб фикр билдирган. «Левада-центр» таҳлил маркази яқинда ўтказган сўров натижалари буни исботламоқда, дейилади «Эхо Москвы» радиостанцияси тарқатган ахборотда. Сўровда иштирок этганларнинг 54 фоизи Путиннинг умрбод президентлигига қарши чиққан.

Бутунроссия жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳам яқинда Россиянинг 46 та маъмурий ҳудудида худди шундай сўров ўтказди. Унинг маълумотларига кўра, Путинга бўлган ишонч 2003 йилдан бери қайд этиб келинаётган кўрсаткичлар орасида бу йил рекорд даражага етган — 66 фоиз. Ишончсизлик эса 7 фоизни ташкил этган.

Бугунги кунда россияликларнинг учдан икки қисми (65 фоиз) президентнинг учинчи муддатга сайланиш ҳамда унинг ваколат муддатини 4 йилдан 7 йилга узайтириш ҳақидаги таклифга ижобий қарор экан. Фақат 24 фоиз аҳолигина бу таклифга қарши фикр билдирган.

Президентнинг ваколат муддатини узайтириш таклифини қўллаб-қувватловчилар «Единая Россия» ва «Справедливая Россия» партиялари тарафдорлари орасида кўпчиликни ташкил этаркан. Масалан, «Единая Россия» тарафдорларининг 75 фоизи бу таклифни ёқлаган бўлса (16 фоизи қарши), «Справедливая Россия» партияси вакилларининг 67 фоизи худди шундай фикрни билдирган (21 фоизи қарши). «ЛДПР» ва «КПРФ» вакиллари орасида бу кўрсаткич сал пастроқ — 59 ва 52 фоизи қўллаб-қувватлаган, 29 ва 42 фоизи қарши эканлигини билдирган. Бироқ бу партиялар электоратининг кўпчилиги амалдаги президентнинг учинчи муддатга сайланишини ёқлашини изҳор этган. Умуман олганда, сўровда иштирок этганларнинг 69 фоизи Владимир Путиннинг учинчи муддатга сайланишига имконият яратиш учун Конституцияга ўзгартишлар киритилишини маъқуллаган. 23 фоизи эса бунга эҳтиёж йўқ, деб билади.

Шуни таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда бу масала бўйича одамлар фикри анча ўзгарган — маъқулловчилар кўпаймаган бўлса-да, лекин қаршилар сони камайган, яъни аввал бу кўрсаткич 28 фоиз эди, ҳозир эса 23 фоиз.

Сўров 1600 нафар одам орасида ўтказилди.

ОЛТИ ЙИЛДАН СЎНГ

ОЛМОС ЭКСПОРТИГА РУХСАТ БЕРИЛДИ

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Либериянинг олмосларни экспорт қилишга қарши бундан 6 йил аввал жорий этган тақиқлов санкциясини бекор қилди. Ушбу санкцияни амалдан тўхтатиш масаласи бўйича Хавфсизлик Кенгашининг 15 аъзоси якдил овоз берди, дейилади «Reuters» ахборот агентлиги хабарида.

Маълумотларга қараганда, Либерия олмос ишлаб чиқаришни назорат қилувчи «Kimberley Process» ташкилоти талабларига мос равишда фаолият олиб бормоқда.

«Kimberley Process» ташкилоти яна уч ойдан сўнг Либерия ўз мажбуриятларини қандай бажараётгани тўғрисида БМТ Хавфсизлик Кенгашига ҳисобот тақдим этади. Шундан сўнг, яъни ҳисобот натижаларига қараб, Хавфсизлик Кенгашининг санкцияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори тўлиқ тасдиқланади ёки қайта кўриб чиқилади.

Маълумки, Либериядан четга экспорт қилинаётган олмослар «қонли олмослар» деган ном олган бўлиб, экспортдан тушган маблағлар Африканинг Сьерра-Леоне, Ангола, Кот-д'Ивуар ва Конго сингари мамлакатларидаги урушларни молиялашга сарфланарди.

Бир йил аввал Либерия президентлигига сайланган Эллен Жонсон Серлиф БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан жорий этилган эмбаргони бекор қилиш йўлида тинимсиз саъй-ҳаракат олиб борди ва ниятига эришди. Энди у олмос экспортидан тушган маблағлар аввалгидек урушларга эмас, балки мамлакат хўжалигини ва иқтисодиётини тиклашга сарфланишини қатъий уқтирмоқда.

ЎНГ РУЛЛИ МАШИНАЛАР

ҚАЙТА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНАДИ



Япония автомобиль компаниялари Қозоғистондаги мавжуд ўнг рулли машиналарни шу ернинг ўзида чап рулли қилиб, қайта реконструкциялаш режасини илгари сурди. Бу ҳақда Қозоғистон Ички ишлар вазирлигининг матбуот хизмати раҳбари Бағдат Кожахметов маълум қилди.

Ўтган йил охирида мамлакатга ўнг рулли автомобиллар олиб келинишини тақиқлаш ҳақидаги қарор қабул қилиниши бунга сабаб бўлди. Мазкур қарорга кўра, 2010 йил 1 январдан эътиборан республикада ўнг рулли машиналардан фойдаланиш ноқонуний ҳисобланади.

❖ Хотира — муқаддас

ЁШЛАРГА СУЯНЧ ЭДИ...



«Ўзбекистон овози»нинг азалдан ўзига хос нуфузи, файзи, ижодий муҳити бор. Бир-бири билан бўйлашадиган қатор ижодкорлар ҳанузгача бу даргоҳда меҳнат қияшмоқда. Мен шу даргоҳдаги фаолиятим давомида кўплаб журналистлардан сабоқ олдим, ўргандим. Ҳабиб Нўъмон, Шоаҳмад Шораҳмедов, Йўлдош Шамшаров, Салим Каримов, Тўлаган Соатов сингари устозлар жам бўлишганда, биз ёшлар уларнинг ёнидан ўтолмасдик.

Ҳабиб Нўъмонов ҳамма учун бирдек жонкуяр, йиқилганни суяб, ёшларга йўл кўрсатувчи қалби дарё инсон эди. У кишини «сўз заргари» деб аташарди. Эндигина қўлига қалам олган ёшларга маслаҳатгўй эди. Қишлоқ хўжалигини жуда яхши билган, ўз ишининг устаси бўлиб кетган Ҳабиб ака янгиликни тез илғаб оларди.

Бир куни Тошкент атрофидаги хўжаликларнинг оирида ердан уч марта ҳосил олинаётгани ҳақида мақола ёзишим кераклигини айтди. Мен топшириқни бажариб, ён дафтаримни тўлдириб келдим. Столга мук тушиб ўйланиб турган эдим, у киши:

— Қийналяпсан чоғи, кўрганингни ёз, нима эшитган бўлсанг қоғозга тушир, кейин ўзим кўриб бераман, — деди.

Мақола тайёр бўлди ҳисоб. Устоз қўлёзмамни бир сидра ўқиб чиқдилар-да, сўнг таҳрир қилишга тушиб кетди. Сарлавҳасидан тортиб то сўнгги нуқтасигача бўлган зебу забарларини тўғрилаб чиқдилар.

Ёдимда. Бир куни таҳририят йиғилишида газетани қўлларига олиб, бир хил, сийқаси чиқиб кетган сарлавҳалар кўпайиб кетганини куйиниб гапирди. Рукн ва сарлавҳа мақоланинг тожи эканлигини таъкидлади. Очеркка, лавҳага ўзига хосу мос, мақола ва хабарга эса талабга қараб сарлавҳа қўйиш устида ўйлаш кераклигини уқтирди.

У киши қалам ҳаққига ҳа деб рўжу қўйганларни унчалик хушламасди. «Журналистни гонорар қаритади», «Оз ёзинглар, соз ёзинглар, қўзиқоринга ўхшаб ҳадеб потирлаб газета саҳифасида кўринавериш ижодкор қадрини туширади», деган гапларни бот-бот такрорларди.

Ҳар гал қўлимга қалам олганимда устозимни эслайман. Газеталарнинг сарғайган тахламларини варақлаб у киши қўйган рукн ва сарлавҳаларни кузатаман. Ҳалигача очерк ва лавҳаларини, публицистик руҳда ёзилган мақолаларини ўқийман. Хулоса чиқараман, ёзиш одобини ўрганаман.

Устоз энди орамизда йўқ. Унинг муборак руҳи эса таҳририятимизнинг ҳар бир хонасида бордай туюлади. Ҳабиб Нўъмонни соғинганимда унинг «Ёшликда берган кўнгил» қиссасини, Шоаҳмад Шораҳмедов билан ҳамкорликда ёзилган «Ота» романини варақлаб чиқаман. Маржондек терилган сўзлардан ҳикмат қидираман.

Бири-биридан кам бўлмаган шогирдларини кўрганимда уларнинг ўзига хос сўзи, йўли борлигидан хурсанд бўламан.

Юнус ЗИЁДОВ

АБАДИЯТ ЧОРРАҲАСИ

Чинакам ижодкор жанр танламайди. Аксинча ҳар ким ҳар куни минг марта такрорлаб юрадиган сўздан заргарона фойдаланиб, аниқ бир услуб кашф этади. Сўзнинг тошу тарозиси шу қадар оғир, масъулиятлики, уни ўринли қўллай билишда услуб аниқлиги, уни тўғри танлаш ғоятда муҳим. Ўзбекистон халқ шоири, атоқли публицист Ҳабиб Саъдулла ўз ижодий фаолияти давомида сўзнинг таъсир-қимматини услубий вобасталикка эришиш орқали юксалтирган қалам соҳиби эди. Буни унинг ижод мундарижасидан ҳам, миллат қисматига уйғун таржимаи ҳолидан ҳам билиб олиш мумкин.

Иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетган отаси дийдорига илҳақ ўғлон онаизори тақдиридаги ўзгаришларни «Онанинг фарзанд кўнглига ўксиклик кемтигини йўлатмасликка қаратилган жасорат» деб баҳолади. Буни у 2002 йилда чоп этилган «Танланган асарлар»ига ёзган битигида ҳам ёрқин ифодалаган:

«Мен бобомни «дада» деб тилим чиққан ва отам 1943 йилнинг 20 ноябрида ҳалок бўлганлигини кейинроқ билганман. Бошқача айтганда, онам 19 ёшидаёқ бева, мен йигирма ойлигимда отасиз қолган эканман...» Урушдан бутун бир қисмати жароҳатланган, отаси дийдорини кўролмаган шоир ижодида уруш ва ундан кейинги мусибатли кунлар хотиралари салмоқли ўрин тутиши, балки шундандир. Дарҳақиқат, «Туғилган йилим», «Онаизор», «Тирик қурбонлар» достонларининг асосини ҳам уруш жароҳатлари, тинчлик тилаги ташкил этади.

Ҳабиб Саъдулла ижодига хос ёрқин фазилатлардан бири — унинг жанр танламагани, балки услубий маҳорат такомили эканлигини юқорида айтиб ўтдик. Чунки бу такомил асардан асарга, шеърдан достонга, ғазалдан драмага, насрий ҳажвиядан публицистик қиссага далилланиб, ёрқинлашиб боради.

Адабиётшунос олим Эркин Худойбердиев атоқли шоир ижодига бағишланган изланишларида унинг ижодий фаолиятини тўрт асосий босқичга ажратганди. Бунда мустақиллик даври шоир ижодининг тўртинчи асосий босқичи сифатида тадқиқ этилган. Ғазалнавис шоир сифатида кўпчиликка таниш бўлган Ҳабиб Саъдулланинг яқин йиллардаги насрий асарларига кўз югуртирсак ҳам тадқиқотчи олимнинг фикрлари тўғрилигига амин бўламиз.

«Янги авлод ўсяпти — келажагимиз тонги отяпти. Поклик тонгдан бошланиши керак. Тонг мусаффо бўлса, кўнглингиз равшан, кайфиятингиз чоғ бўлади, кун ёрқин кечади...»

Шундайин содда, айни пайтда шеъриятга хос назокатли иборалар «Тонг мусаффо бўлса» публицистик қисса ва мақолалар тўпламининг қимматини таъминлайди. Асар янгиланаётган жамият тараққиётига дахлдорлик ҳисси билан суғорилганки, ундан миллий ғоя аниқ-тиниқ англашилади, фаолиятга чорлайди. «Қоғоз оппоқ нарса, — деб ёзади муаллиф, — у ўзининг беғуборлиги билан гўдак қалбига ўхшайди. Уни қандай безаш, қандай бойитиш одамларга боғлиқ. Унга ёлғон ёзилса, бағри доғ бўлади. Адолатсизликлар, ҳақсизликлар рақам қилинса, дунёга келганидан пушаймон бўлади...»

Ҳабиб Саъдулла шахсини соғинганда унинг барча фазилатларини ўзида мужассам этган шеъру ғазалларини, достону драмаларини, насрий ижод намуналарини варақламай илож йўқ. Устоз адабий суҳбатларда «Шеърида акс этсин шоир сийрати ёки шеъри айтсин шоир ҳақида» деган ҳикматомуз гапни кўп такрорларди.

Ҳабиб аканинг қалам аҳлига яна бир ибрати шунда эдики, кундалик ҳаёт воқеликларига республика, вилоят матбуоти орқали ҳозиржавоблик билан муносабат билдирарди. Айниқса, умрининг сўнгги кунларида хаста бўлишига қарамай, ўзини жамоатчиликдан, ижтимоий ҳаётдан четга тортмади. Оила муҳитидаги юксак маданият, ҳавасни келтирадиган муомала ва муносабатлари билан ибрат мактабини яратди. Юрт тақдири, адабиёт тақдири ҳақида фикрлашдан, тиниқ мулоҳазаларини билдиришдан тўхтамади.

Шунинг учун ҳам шоир таваллудининг 65 йиллиги Наманган вилоятида кенг нишонланди. Унинг хотирасига бағишланган суҳбатлар маънавий-маърифий тадбирларга айланиб кетди.

— Ҳабиб ака меҳмондўст эдилар. Хонадонимиз ҳамиша у кишининг ижодкор дўстлари, ҳамкасблари, устозу шогирдлари билан файз топган. Бу анъана биз учун қоида. У кишини эслаб келувчиларга қўлимиз кўксимизда, — дейди устознинг турмуш ўртоғи Роҳилахон ая.

Шоир ва журналист Фаррух Ҳамидулло эса ўз мақолаларидан бирида шундай ёзганди: «Ҳали адабиётшунослигимиз Ҳабиб Саъдулла ижодини талқин ва татбиқ этиш йўлида кўп ишларни амалга оширади, шоир шеъриятида мужассамлашган Ватан севгиси, муҳаббат туйғуси, инсон манзараларига бағишланган тадқиқотлар давом этади».

Дарҳақиқат, бугун адабиётшунос олим Алижон Ҳалилбеков, шоир Зиёвуддин Мансур, драматург Абдулла Жаббор ва бошқаларнинг уринишлари ана шундай тадқиқотлар сирасидан эканлиги қувонарли. Шоирнинг «Кўчамдан жонон ўтганда», «Келмаганингда», «Рамазон муножоти» каби қўшиққа айланган ўнлаб шеъру достонлари эл меҳрини қозонган ижодкор хотираси ҳамиша ўйғоқ эканлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, адабиёт ва ижтимоий ҳаёт йўлларидан мардона ўтиб, абадият чорраҳасига ўчмас чироқ ёққан шоирга ўлим йўқ. Унинг оташин ғазаллари, драма ва достонлари қимматли мерос сифатида миллат мулкига айланиб, мангулик даъвати бўлиб жаранглайверади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

❖ Спорт

Бахтиёр АШУРМАТОВ:

«КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА ЧИҚИШИМИЗ ШАРТ!»

Моҳир футболчи, Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳимоячиси Бахтиёр Ашурматов кўп йиллар мамлакатимизнинг етакчи клубларидан бири «Пахтакор» шарафини муносиб ҳимоя қилган. Сўнгра у ўз омадини Россия миллий чемпионатида синаб кўрди. Дастлаб Владикавказнинг «Алания» жамоасида тўп сурган Бахтиёр орадан кўп ўтмай Москванинг «Торпедо-Металлург» футболчилари сафига қўшилди. Аммо ҳамюртимизга ушбу жамоа шарафини узоқ муддат ҳимоя қилиш насиб этмади. Москваликлар таркибида эндигина ўз ўйинини топаётганида жиддий жароҳатланди. Тузалгач Самаранинг «Крилья Советов» жамоасидан таклиф тушди. Афсуски, бу гал ҳам яна жароҳати халал берди. Ачинарлиси, Россия чемпионати учрашувларида орттирилган жароҳатлар туфайли Ашурматов 1 йилу 4 ой мобайнида яшил майдондан йироқлашишга мажбур бўлганди...

Бахтиёр Ўзбекистон XVI миллий чемпионатидан бошлаб олий лига дебютанти — Тошкентнинг «Қурувчи» жамоаси таркибида яна майдонга туша бошлади. Истеъдодли футболчи билан бўлган суҳбатимизда мухлисларни қизиқтираётган қатор саволларга жавоб олдик.

— Бахтиёр, узоқ танаффусдан кейин «Қурувчи» футболчилари қаторида пайдо бўлишингизни қандай изоҳлайсиз?

— Очиғи, катта футболни роса соғингандим. Шу боис, дастлаб янги мавсумда «Пахтакор» жамоаси билан ўқув-йиғин машғулотларини бошладим. Россиядаги собиқ жамоам «Крилья Советов» (Самара)га қайтишга ҳозирланаётган кезларимда олий лига дебютанти — «Қурувчи»дан ҳар томонлама қулай таклиф бўлди. Клуб раҳбарларининг жамоа олдига жиддий вазифалар қўйганлигини эшитгач, келишувга розилик билдирдим. Қолаверса, айни пайтда жамоамиз аъзолари қайд этаётган натижалар ҳам буни тасдиқлаб турибди.

— Биласиз, кейинги пайтда Россия клублари билан шартнома имзолаган аксарият футболчиларимиз ўз жамоаларида асосий таркибдан жой ололмаяпти. Сиз Россиянинг бир йўла учта футбол жамоаси либосини кийган ўйинчи сифатида бу масалага қандай қарайсиз?

— Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Мисол учун, Москванинг «Торпедо-Металлург» жамоасида ўйнаб юрган чоғимда клуб раҳбарлари аргентиналик Эктор Бракоменто учун бир миллион доллар тўлашган. Ўшанда ана шу футболчининг ўйинини кузатиб, унинг нимасига шунча пул сарфлащдийкин, деб ҳайрон бўлгандим. Рости, Бракоменто ўша тайёргарлиги ва савияси билан ҳатто «Пахтакор»да ҳам ўйнай олишига кўзим етмасди. Лекин футбол клуби раҳбарлари аргентиналик ўйинчи учун шунча пул тўладик, энди уни майдонга тушириш керак, деб мураббийдан талаб қилишди. Натижада қисқа вақтда Бракоменто ўз ўйинини топиб олди. Хуллас, Россияда қиммат трансферга эга футболчиларда жамоанинг асосий таркибида майдонга тушиш имконияти анча катта. Бундан ташқари, кўп нарса футболчининг ўзига ҳам боғлиқ. Қолаверса, ҳар қандай жамоа билан тил топишиб, бор куч-имкониятингизни кўрсата олсангиз олқиш оласиз. Аксинча, икки тараф — раҳбарлари ҳам, мухлислар ҳам қўлламайди.

— Миллий чемпионатимиз ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдик...

— Чемпионатимизда «Пахтакор»га ўхшаган жамоаларни кўпайтириш керак. «Нефтчи»ни ҳисобга олмаганда, чемпионлик учун курашадиган деярли бошқа даъвогарларни кўрмаяпман. Қолган жамоалар асосан иккинчи ва учинчи ўринлар учун баҳс юритишади. Яна бир гап. Кўпчилик «Пахтакор» Ўзбекистондаги зўр футболчиларни танлаб олган, дея жамоа раҳбарларини танқид қилишади. Клуб раҳбарияти ва ўз вақтида бош мураббийлик қилган Тачмурад Агамуродов қисқа муддат ичида жамоа ўйинини шакллантира олдилар. Масалан, Нестеров, Кошелев, Кирьян, Николаев, Копадзе, Жепаровларни аксарият мухлислар илгари танишмасди. Бугунга келиб, бу футболчилар нафақат «Пахтакор»нинг, балки мамлакат миллий терма жамоасининг етакчиларига айланган. Оддий қилиб айтганда, улар «Пахтакор»га келиб «очилишди». Менимча, бошқа клубларимиз ҳам пахтакорчилардан ўрнак олса арзийди.

— Бу йил ёзда навбатдаги Осиё чемпионати баҳслари ўтказилади. Ана шу нуфузли мусобақа олдидан миллий терма жамоамизнинг имкониятларини қандай баҳолайсиз?

— Тўғри, миллий терма жамоамиз саралаш ўйинларини бир текис ўтказа олмади. Аммо бу футболчиларимизнинг олдиндаги учрашувларига мутлақо салбий таъсир қилмайди, деб ўйлайман. Бош мураббий Рауф Инилеевнинг тажрибали мутахассис эканлигига шубҳа йўқ. Қолаверса, моҳир футболчи Миржалол Қосимовнинг унга ёрдамчи этиб тайинлангани ҳам келажакда ўз самарасини беришига ишонаман.

Жароҳат туфайли узоқ вақт майдонга тушмаганлигимга қарамай, мураббийлар мени яна бош жамоамиз машғулотларига, ўртоқлик учрашувларига жалб қилишганидан хурсандман. Осиё чемпионатида албатта, бу ишончни оқлашга ҳаракат қиламан. Осиё кубоги баҳсларида футболчиларимиз қитъамизнинг етакчи терма жамоалари Эрон, Хитой вакиллари билан бир гуруҳдан жой олишган. Ўзбекистон Футбол федерацияси томонидан терма жамоамиз учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар бизни фақат ғалаба сари ундаши шубҳасиз. Ҳозирги таркиб билан кучли рақибни ҳам ютса бўлади. Биз гуруҳдан кейинги босқичга чиқишимиз шарт. Қолаверса, кучлилар билан қандай ўйнаш кераклигини 23 ёшгача бўлган футболчилардан иборат терма жамоамиз ҳам ўтган Осиё ўйинларида кўрсатиб беришди.

Неъмат АҲМЕДОВ,
Эркин ХОЛБОБО
суҳбатлашди.

ЁЗГИ ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ ЙЎЛЛАНМАСИ

ТАҚДИРИ ЧИКАГОДА ҲАЛ БЎЛАДИ



Мамлакатимиз «чарм қўлқоп» усталарининг халқаро миқёсда эришаётган ютуқлари салмоғи тобора ортиб бормоқда. Бокс юлдузлари — Олимпия ва жаҳон чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, Олимпия ўйинлари совриндорлари Карим Тўлаганов, Рустам Саидов, Сергей Михайлов, Ўткирбек Ҳайдаров, Баҳодиржон Султоновлар номи бугун оламга машҳур.

Келгуси йили Пекинда бўладиган XXIX ёзги Олимпия ўйинларида ҳам боксчиларимиз юқори натижаларни қўлга киритишни режалаштиришмоқда.

Куни кеча Халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциацияси (AIBA) навбатдаги жаҳон чемпионати ўтадиган давлат ва шаҳар номини маълум қилди. Унга кўра, 2007 йилдаги энг нуфузли бокс мусобақасига 17 октябрь — 1 ноябрь кунлари АҚШнинг Чикаго шаҳри мезбонлик қиладиган бўлди.

— Жаҳон чемпионати Чикагода ўтказилаётганидан мамнунмиз, — дейди AIBA раҳбари Чинг-Куо Ву. — Аминманки, йирик мусобақани юксак савияда ташкил этиш учун мезбонларнинг ўзига хос бокс анъаналари кўл келади. Дунёнинг юздан ортиқ давлатидан 600 нафардан зиёд «чарм қўлқоп» устаси қатнашиши режалаштирилаётган мазкур жаҳон чемпионати иштирокчилари сони жиҳатидан ҳам рекорд натижа қайд этиши кутилмоқда. Қолаверса, ушбу мусобақада Пекин олимпиадаси йўлланмалари тақдири ҳал бўлади. Бу эса баҳсларнинг шиддатли ва муросасиз ўтишини таъминлаши, шубҳасиз.

«ШУНҚОРЛАР» БАҲСИ

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказиб келинаётган «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақалари йигитларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларни ҳарбий ҳаётнинг илк сир-асрорлари билан таништиришда муҳим аҳамиятга эга. Ўтган йиллар мобайнида кўрик-танловнинг ўзига хос анъаналари шаклланди. Бугунга келиб, «Шунқорлар» ўз марши ва байроғига эга. Мусобақаларнинг республика финал босқичи очилиш ва ёпилиш маросимларида Давлат мадҳиясидан сўнг, мусобақаларнинг марши чалиниб, Давлат байроғи билан бир қаторда «Шунқорлар» байроғи ҳам кўтарилиши анъанага айланган. Шу билан бирга мусобақаларда иштирок этган ёшларнинг миқдори ҳам мақтанса арзигулик даражага етди. Ўтган даврда миллионлаб ўқувчилар ушбу кўрик-танлов мактабини ўташди. Уларнинг орасидан эса офицерлик касбини танлаганлар ҳам анчамунчани ташкил этади. Танловни ўтказишда ҳамкорларнинг ҳам катта ҳиссаси борлигини таъкидлаш керак.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида анъанавий «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг республика финал босқичи бўлиб ўтди. Финалда барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси босқичларида ғолибликни қўлга киритган 14 та жамоа иштирок этди.

Уч кун давомида иштирокчилар ҳарбий топография, ёзги биатлон, қуроллароғлар билан муомала қилиш санъатларини намоён этишди. Шунингдек, иштирокчиларнинг жисмоний ҳолати ҳам синовдан ўтказилди.

Бундай беллашувларнинг ўзига хос жиҳатлари бор. «Шунқорлар»да шартларнинг фақат биттасини қойилмақом қилиб уддалаш билан ғалаба қозониш мушкул. Бу йилги беллашувлар ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлади. Мусобақаларга бошқа рақибларига нисбатан анча пухта тайёрланган Тошкент вилояти вакиллари биринчи ўринни қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Эътиборхон САФОЕВА

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

f — 449
11212 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 16.00
Topshirilgan vaqti — 19.50
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda